

ЛИЦЕНЗИЯ ШАРТНОМАСИДА СИФАТНИ КАФОЛАТЛАШ ПРИНЦИПИ

А. З. Мамадалиев

Мустакил изланувчи

Лицензия шартномаси мутлақ ҳуқуқларни вақтинча бошқа шахсга тақдим қилиш билан боғлиқ ўзида бошқа шартномавий муносабатларга нисбатан маҳсус ҳуқуқий нормаларни акс эттирган фуқаролик-ҳуқуқий муносабат ҳисобланади. Ушбу турдаги шартноманинг бошқа фуқаролик-ҳуқуқий шартномалардан ўзига хослиги билан ажралиб туриши, энг аввало бунда мутлақ ҳуқуқ әгасининг товар белгисига нисбатан ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бошқа шахсларнинг, ҳаттоқи лицензиатнинг ҳам у бевосита лицензиар билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатга киришганлигидан қатъи назар қонунга зид ҳатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилишдан иборатdir.

Бу ерда гап, мутлақ ҳуқуқ әгасига тегишли товар белгиси остида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг лицензиарнинг, яъни ушбу товар белгиси әгасининг товар бозорида реализация қилаётган маҳсулоти сифати билан айни бир хил бўлишини таъминлаш тўғрисидаги шартнинг қўйилиши билан боғлиқ мажбурият тўғрисида кетмоқда. Чунки, ҳар доим ҳам лицензиатнинг ишлаб чиқарадиган товари мутлақ ҳуқуқ әгасининг ишлаб чиқараётган маҳсулотининг сифати билан бир хил бўлмаслиги мумкин.

Товар белгиси остида лицензия шартномасига қўра лицензиатнинг товар ишлаб чиқариш муносабатларида ишлаб чиқараётган товар маҳсулоти сифатининг лицензиарники каби сифатда бўлиши, шартноманинг мухим шартидир. Мазкур шартнинг лицензия шартномасида кўрсатилмаслиги, шартноманинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Гарчи, шартнома иштирокчилари маҳсулот сифатининг ўзаро бир хил бўлмаслиги билан боғлиқ шартни ўзаро келишиб шартномада кўрсатган бўлса ҳам, ушбу шарт ҳақиқий ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги Қонунининг 30-моддаси 3-қисмига мувофиқ, товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи товар белгисининг әгаси (лицензиар) томонидан лицензия шартномаси бўйича бошқа шахсга (лицензиатга) берилиши мумкин. Ушбу модданинг 4-қисмига асосан, лицензия шартномасида лицензиат товарларининг сифати лицензиар товарларининг сифатидан паст бўлмаслиги ҳақида шарт қўйилган бўлиши ва лицензиар бу шартнинг бажарилишини назорат қилиш лозимлиги билан боғлиқ қоида белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 867-моддасига мувофиқ, “лицензиат шартнома асосида ишлаб чиқараётган товарлари, кўрсатаётган хизматлари, бажараётган ишларининг сифати бевосита лицензиарнинг ўзи ишлаб чиқараётган, кўрсатаётган ёки бажараётган шундай товарлар, хизматлар ёки ишларининг сифатига аниқ мос бўлишини таъминлаш” лозимлиги қайд этилган. Демак, товар белгисини бошқа шахсга тақдим қилиш билан

боғлиқ муносабатларда, хусусан ҳам лицензия шартномасида, ҳам комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасида лицензиат томонидан ишлаб чиқарилаётган товарининг сифати лицензиар ишлаб чиқараётган товар маҳсулотининг сифати билан бир хил бўлиши лозимлиги таъкидланади.

Адабиётларда товар белгисини бошқа шахсга тақдим қилиш билан боғлиқ фуқаролик-хуқуқий муносабатларда лицензиат шартнома асосида ишлаб чиқараётган товарлари, кўрсатаётган хизматлари, бажараётган ишларининг сифати бевосита лицензиар-нинг ўзи ишлаб чиқараётган, кўрсатаётган ёки бажараётган шундай товарлар, хизматлар ёки ишларнинг сифатига аниқ мос бўлишини таъминлаши шарт. Стандартлар, сифатнинг мос бўлиши ва дастур лицензиатлар орасида бир хилликни таъминлашга хизмат қилиши таъкидланади¹. Бошқа бир манбаада, товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи бошқа шахсга лицензия асосида фойдаланишга берилганда, шартномада лицензиар маҳсулотининг сифатидан паст бўлмаслиги ва лицензиар ана шу шартга амал қилаётганлигини назорат этиб туриши ҳақида шарт бўлиши лозимлиги таъкидланади². Интеллектуал мулк обьектларининг баъзи турлари бўйича лицензия шартномасида назарда тутилиши мажбурий бўлган шартлар қонунда бевосита кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги 2001 йил 30 августдаги Қонунининг 30-моддасига асосан, товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга лицензия асосида фойдаланишга берилганида, шартнома лицензиат маҳсулотининг сифатидан паст бўлмаслиги ва лицензиар ана шу шартга амал қилаётганлигини назорат этиб туриши ҳақида шарт бўлиши лозим³. Қонунда белгиланган мазкур қоида, нафақат лицензиарнинг “сифатсиз товар маҳсулотларини ишлаб чиқарилишида фойдаланилиши натижасида товар белгисининг обрўсининг тушишидан ҳимоя қилиш”, балки истеъмолчиларнинг “бир товар белгиси остидаги маҳсулотининг истеъмоллик хусусиятини ва бир хил сифатда бўлишини кафолатлашдан иборатdir”⁴. А.Д.Корчагиннинг таъкидлашича, “бу билан лицензиарга тегишли товар белгисини мавқеини оширишга қаратилган”⁵.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, “ҳар қандай лицензия шартномасида лицензиарнинг лицензиат томонидан ишлаб чиқарилаётган товар маҳсулотини назорат қиласлиги, агар лицензиар томонидан товар ишлаб чиқарилаётган бўлса, бундай ҳолда лицензия шартномасига лицензиат томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шархлар: Илмий шархлар. Т. 3. / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. –Т.: Baktria press, 2013. – Б. 21.

² Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳуқуқи (Дарслик) // Муаллифлар жамоаси. – Т.: “Адолат” нашиёти 1999. – Б. 359.

³ Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий макомининг назарий ва амалий муаммолари / Масъул мухаррир: X.Рахмонкулов. –Т.: ТДЮИ, 2004. – Б. 96.

⁴ Ариевич Е.А. Лицензионный договор на товарный знак: закон нуждается в изменении // Патенты и лицензии. 1998. № 9. – С. 31.

⁵ Корчагин А.Д. Перспективы развития российского законодательства о промышленной собственности. – М., 2002. – С. 265-266.

лицензиарники каби сифатда бўлишини назорат қилиш ҳуқуқини кўрсатилиши талаб этилади”⁶.

Бошқа бир адабиётларда, “истеъмолчилар ҳуқуқларини максимал ҳимоя қилиниши таъминлаш мақсадида лицензиат томонидан ишлаб чиқарилаётган товар маҳсулотларининг лицензия шартномаси асосида ишлаб чиқарилаётганлиги тўғрисида огоҳлантириши лозим”⁷ таъкидланади.

Е.С.Шпак лицензия шартномасида товар белгиси сифатини кафолатлаш билан боғлиқ қонунчиликда белгиланган қоидани истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш нуқтаи назаридан таҳлил қилас экан, бунда у қуидагиларга эътибор қаратади: биринчидан, кўпинча лицензиарнинг ўзи умуман товар ишлаб чиқармайди; иккинчидан, лицензиатнинг лицензиарники каби бир хил товар ишлаб чиқармаслиги оқибатида, товар ўзида аниқ сифатлилик базасини йўқотади⁸. Шу сабабли ҳам лицензиар лицензиат томонидан ишлаб чиқарилаётган товарни назорат қилиши керак. Лицензия шартномасини тузишда шунга эътибор қилиш керакки, “лицензиат томонидан ишлаб чиқариладиган товар лицензиар товарининг сифатидан паст бўлмаслиги ва лицензиар бунинг назоратини амалга ошириши керак”⁹.

Юқорида бир қатор олимлар ва тадқиқотчилар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларнинг таг мазмуни, лицензия шартномасида товар ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолиятда товарнинг сифати шартноманинг муҳим шарти ҳисобланишидир. Ушбу шартнинг кўрсатилмаслиги, уни рўйхатдан ўтказилган-лигининг рад этилишига олиб келади. Бунда энг аввало, лицензиарнинг товар бозоридаги обрўсини ҳимоя қилиш ва истеъмолчиларнинг сифатли маҳсулот сотиб олиш билан боғлиқ ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилгандир.

Одатда истеъмолчи, маҳсулотни сотиб олишдан олдин унинг қаерда ишлаб чиқарилганлигига, товарнинг товар белгиси эгасининг ўзи ишлаб чиқарганми ёки лицензия шартномаси асосида лицензиат томонидан ишлаб чиқарилганлигига эътибор қаратади. Лекин аксарият ҳолларда истеъмолчи маълум товарни сотиб олишда назарда тутилган ҳолатларга эътибор қаратмайди. Агар сотиб олинмоқчи бўлган товар лицензия шартномаси асосида лицензиат томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, бу ҳолда истеъмолчи товарнинг сифатлилик даражаси лицензиар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарнинг сифати билан қанчалик даражада мос келишини аниқлашга харакат қиласади.

Товар белгисини лицензия шартномаси орқали лицензиат томонидан ишлаб чиқариладиган ва уни реализация қилиш билан боғлиқ ҳолатга айрим хорижий

⁶ Ермакова Е. Необходима ли государственная регистрация лицензионных договоров? // Интеллектуальная собственность. Промышленная собственность. 2001. № 2. – С. 29.

⁷ Ариевич Е.А. Лицензионный договор на товарный знак: закон нуждается в изменении // Патенты и лицензии. 1998. № 9. – С. 34.

⁸ Шпак Е.С. Передача прав на использование товарных знаков: лицензионный договор // Юристъ. 2004. № 1. – С. 28-29.

⁹ Финкельштейн В.Э. «Передача товарных знаков по лицензии» // Патенты и лицензии № 6/90. – С. 26.

давлатлар қонунчилиги ўзгача ёндошади. Масалан, Францияда айрим лицензия шартномаларида лицензиат томонидан маркировка қилинган товар маҳсулотларини Европа Иттифоқида сотишни тақиқловчи қоидаларни учратиш мумкин¹⁰. Лицензиар томонидан шартномада товарни реализация қилиш ҳудудини белгилаш билан боғлиқ шартнинг киритилиши, аввало истеъмолчиларнинг фақат товар белгиси эгаси томонидан ишлаб чиқарилаётган товар маҳсулотларини сотиб олаётганлигига ишонч хосил қилдиришдан иборат.

Товар белгисини бошқа шахсга тақдим қилиш билан боғлиқ лицензия шартномасида лицензиат томонидан ишлаб чиқарилаётган товарнинг лицензиарни каби сифатда бўлишини лицензиар ўз ташаббуси билан назорат қилиб туриши лозим. Товар маҳсулотининг сифатини назорат қилиш шартнома тарафларининг ўзаро келишувига ёки шундай келишув тузмасдан лицензиарнинг ўз хоҳиши ва ташаббусига кўра, лицензиарни огоҳлантирмасдан амалга ошириши мумкин. Лицензиарнинг бундай тартибда назорат қилиши, лицензиатнинг товар ишлаб чиқариш жойида ёки у ушбу турдаги товарни реализация қилган жойда бўлиши мумкин. Лицензиат эса, лицензиарнинг бу хатти-ҳаракатларига эътиroz билдириши ёки қайсиdir маънода қаршилик қўрсатиши мумкин эмас. Лицензиарни ушбу ҳаракатларининг мазмунини аввало товар бозорида ўз мутлақ ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва шу орқали ўз истеъмолчиларининг ишончини сақлашдан иборатдир.

Лицензиар томонидан лицензиатнинг ишлаб чиқараётган товар маҳсулотининг сифатини текшириш аниқ ҳолатлари ва шартлар лицензия шартномасида кўрсатилиши лозим. Агар лицензиат лицензиарнинг фаолият олиб бораётган жойидан узоқда бўлса, тарафлар яъни лицензиар лицензия шартномасида маҳсулотнинг ишлаб чиқариш жойини кўздан кечириши ва унинг сифатини текшириши билан боғлиқ ҳаражатлари шартнома тарафларининг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида лицензия шартномасига кўра лицензиарнинг лицензиат томонидан ишлаб чиқараётган товар маҳсулотини назорат қилиниши билан боғлиқ аниқ ҳукуқий механизм белгиланмаган. Тўғри, шартномани тузиш ва унда тарафларнинг ўзлари истаган (лекин, иш муомаласи одатларига ва жамият манфаатларига дахл қилмайдиган) шартларни киритишлари мумкин. Лекин, масаланинг бошқа томони бор. Ушбу масала, ишлаб чиқариладиган товарнинг сифатини тегишли талабларга жавоб беришида хусусий ва оммавий манфаатларнинг ўзида намоён этганлиги билан боғлиқдир.

Лицензия шартномаси фуқаролик қонунчилиги мазмунига кўра тарафларнинг ўзаро эркини, хоҳишини ифода этган фуқаролик-ҳукуқий муносабат ҳисобланади. Бунда мутлақ ҳукуқ эгаси ўзига тегишли товар белгисини бошқа тарафга, яъни лицензиатга шартнома асосида маълум муддатга тақдим қиласи. Лицензиат эса, ушбу ҳукуқни ўз

¹⁰ Shmidt-Szalewski J., Pieme J. Droit de la propriété industrielle. Paris, 2001. – P. 240.

эркига ва шартнома шартларига мувофиқ амалга оширади. Фуқаролик-хуқукий шартноманинг ушбу жиҳати ўзида хуссий манфаатни ифода этади.

Шартноманинг оммавий жиҳати эса, бевосита истеъмолчи-ларнинг хуқуки ва манфаатлари жамиятнинг иқтисодий негизлари ҳисобланади. Ушбу манфаат товар бозорига лицензиар ва лицензиат томонидан сифатли ва барча истеъмол талабларига жавоб берадиган маҳсулотни етказиб беришдан иборатдир. Лекин, амалдаги қонунчиликда юқорида тадқиқотчи олим Е.С.Шпак томонидан таъкидланган, лицензия шартномасини хуқукий тартибга солиш билан боғлиқ қоидалар факат тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ фуқаролик-хуқукий муносабатлар тартибга солиб ўтилган бўлиб, истеъмолчиларнинг сифатли товарга нисбатан хуқуқларига етарли даражада эътибор қаратилмаган¹¹. Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликда лицензия шартномаси асосида лицензиат томонидан ишлаб чиқариладиган товарнинг сифатини хуқукий таъминлаш билан боғлиқ аниқ хуқукий механизм мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги 2001 йил 30 августдаги Қонунининг 27-моддасида мутлақ хуқуқ эгаси “товар белгисини рекламада, босма нашрларда, расмий бланкаларда, пешлавҳаларда, Ўзбекистон Республикасида ўtkazilaётган қўргазмалар ва ярмаркаларда экспонатларни намойиш этиш вақтида ишлатиш ҳам товар белгисидан фойдаланиш деб эътироф этилиши мумкин”. Демак, товар белгисини шахсийлаштирган мутлақ хуқуқ эгаси ушбу модда мазмунига мувофиқ, товар ишлаб чиқариш муносабатларида фойдаланмаса, яъни аниқ у рўйхатдан ўтган товар маҳсулотларини ишлаб чиқармасдан ҳам қонуннинг 21-моддасига асосан ўн йил мобайнида амал қиласди. Шу ўринда бир ҳолатни хуқукий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Яъни, мутлақ хуқуқ эгаси бошқа шахсга ўзига тегишли товар белгиси остида товар маҳсулотини ишлаб чиқармасдан, лицензия шартномасида Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги Қонунининг 30-моддаси 4-қисмида белгиланган “лицензия шартномасида лицензиат товарларининг сифати лицензиар товарларининг сифатидан паст бўлмаслиги хақида шарт қўйилган бўлиши ва лицензиар бу шартнинг бажарилишини назорат қилиши кўрсатилиши лозим”лиги билан боғлиқ шарт киритилиши мумкинми? Тўғрироғи, лицензиар қайси мезонларга асосан лицензиат томонидан ишлаб чиқарилаётган товар маҳсулотини сифатли ёки сифатсиз деб баҳо бериши мумкин?

Мазкур ҳолат, Ўзбекистон товар белгилари қонунчилигига етарли даражада аниқ тартибга солинмаган. Шу маънода, мавжуд ҳолатга назарий ёндошадиган бўлсак, бунда лицензиар, бошқа шахсга лицензия шартномасига кўра тақдим этишда ўзига тегишли

¹¹ Шпак Е.С. Передача прав на использование товарных знаков: лицензионный договор // Юристъ. 2004. № 1. – С. 28-29.

товар белгисидан товар ишлаб чиқариш муносабатларида фойдаланаётган ёки маълум муддат давомида фойдаланган бўлиши лозим. Ушбу шартнинг қўйилиши 2001 йил 30 августдаги “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги Қонунининг 30-моддаси 4-қисмида белгиланган лицензиарнинг лицензиат томонидан ишлаб чиқарадиган товарининг сифатини ўзиники билан текширишга шароит яратилади. Лекин, Қонунининг 27-моддасида товар белгисини рекламада, босма нашрларда, расмий бланкаларда, пешлавҳаларда, Ўзбекистон Республикасида ўtkазилаётган кўргазмалар ва ярмаркаларда экспонатларни намойиш этиш вақтида ишлатиши билан боғлиқ фойдаланишда товар белгисидан бошқа шахсларнинг шартнома асосида товар ишлаб чиқариши ва уни сифат жиҳатдан текширишнинг иложи йўқ. Чунки, товарнинг сифати ушбу турдаги ва аниқ хусусиятдаги маҳсулот билан амалда солишириш натижасида аён бўлади. Шу сабабли ҳам тегишли қонунчиликда мутлақ хуқуқ эгасининг бошқа шахсга лицензия шартномаси асосида товар белгисини тақдим этишида, албатта ундан амалда маълум муддат давомида фойдаланган ёки фойдаланаётган бўлиши лозимлиги билан боғлиқ қоида кўрсатилиши лозим.

Тегишли қонунчиликда товар белгисини бошқа шахсга тақдим қилиш билан боғлиқ лицензия шартномасида лицензиарнинг ўзи товар ишлаб чиқармасдан ушбу товар белгисини бошқа шахсга тақдим қилиши, ўзида кўпроқ хусусий манфаатларни ифода этади. Бу ерда лицензиар, лицензиатдан ўзига тегишли товар белгисига нисбатан мутлақ хуқуқларни фойдаланишга тақдим қилганлик эвазига моддий манфаат кўради. Бунда лицензиатнинг ишлаб чиқараётган товарининг сифатли ёки сифатсизлиги лицензиар учун аҳамиятга эга эмас. Бу ерда албатта истеъмолчилар жабр кўради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1036-моддаси 6-қисмига мувофиқ, “лицензияни оловчи томонидан интеллектуал мулк обьектидан фойдаланиш хуқуқини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартнома сублицензия шартномаси ҳисобланади. Лицензияни оловчи, фақат лицензия шартномасида назарда тутилган ҳолларда сублицензия шартномаси тузишга ҳақли эканлиги белгиланган”. Сублицензия шартномасига кўра, сублицензиатга обьектдан фойдаланиш учун берилаётган мутлақ хуқуқлар ҳажми лицензиатга бирламчи лицензия шартномаси асосида берилган хуқуқлар ҳажмидан ошмаслиги шарт. Сублицензиат ҳаракатлари учун, агар лицензия шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, лицензиар олдида лицензиат жавобгар бўлади.

Умумий қоидага кўра, сублицензиатнинг ҳаракатлар учун бирламчи лицензиат ўзининг айбидан қатъи назар, бирламчи лицензиар олдида жавобгар бўлади. Шу маънода, сублицензия шартномаси асосида лицензиат товар белгисидан фойдаланишда лицензиат лицензиар хуқуқларига эга бўлади ва товарнинг сифатини назорат қилиш мажбурияти тегишли тартибда унга юкланди. Агар сублицензиат томонидан ишлаб

чиқарилаётган товарнинг сифати товар белгиси эгаси томонидан ишлаб чиқарилаётган товарнинг сифатидан пастлиги аниқланадиган бўлса, лицензиат сублицензиат-нинг ушбу ҳаракатлари учун лицензиар олдида жавобгар бўлади.

Сублицензия шартномасида товарнинг сифати билан боғлиқ ҳолатни таҳлил қиласиган бўлсак, бунда ҳар доим ҳам сублицензиат товар белгисининг эгасиники каби товар маҳсулотини сифатини бир хил стандарт даражасида бўлиш эҳтимоли кам. Чунки, юқорида таъкидланганидек, лицензия шартномасини хуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ қонунчиликда белгиланган қоидалар кўпроқ шартнома тарафларининг хусусий манфаатларига нисбатан талқин қилингандиги, тарафларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳар доим ҳам сифатни назорат қилиш имкони бўлавермаслиги, шу билан бирга лицензиар, лицензиат ва сублицензиатнинг моддий даромад кўришга қаратилган шартномавий муносабатлари ўзаро келишувга асослангандигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Лицензия шартномасининг оммавийлик хусусияти, бевосита шартнома тарафлари бўлган лицензиар, лицензиат ҳамда сублицензиатлар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарнинг истеъмолга яроқлилиги, инсонларнинг соғлиғи ва мол-мулкига зиён етказмаслиги билан боғлиқ. Шу билан бирга, шартнома асосида ишлаб чиқарилаётган товарнинг сифати давлатнинг иқтисодий манфаатлари билан ҳам бевосита чарбарчас боғлиқдир. Чунки, давлат товар бозорида реализация бўлаётган товар маҳсулотларини сотишга рухсат беради, яроқсиз товарларни эса сотишдан олиб ташлайди.

Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 1996 йил 26 апрелдаги Қонунининг 4-моддасига асосан, “истеъмолчилар товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш; товар (иш, хизмат)ни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши; товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши; ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуқсони бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий заарнинг тўлиқ ҳажмда қопланиши каби шу ва бошқа хуқуқларга эга”лиги белгиланган.

Шунингдек, мазкур қонунининг 6-моддасига мувофиқ лицензиар, лицензиат ёки сублицензиат томонидан ишлаб чиқарилаётган товар тўғрисида аниқ маълумот тақдим қилиши лозим бўлиб, бунда ушбу товарнинг маълумотлари бўлиб:

- товар (иш, хизмат) мажбурий талабларига мувофиқ келиши шарт бўлган норматив ҳужжатнинг номи;
- товар (иш, хизмат)нинг асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан, ўзига хос хусусиятлари рўйхати;
- баҳоси (тарифи) ва сотиб олиш шартлари; ишлаб чиқарувчи (ижрочи)нинг кафиллик мажбуриятлари;

- товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ҳамда шартлари;
- товарнинг хизмат (яроқлилик) муддати ва ушбу муддат тугаганидан кейин истеъмолчи нима ишлар қилиши зарурлиги, шунингдек бундай ишларни бажармаслик натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар;
- ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг номи ва мулкчилик шакли, рўйхатга олиш ва лицензия гувоҳномасининг номери;
- ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ҳамда улар истеъмолчидан даъво қабул қилишга ваколат берган, шунингдек таъмирлаш ишларини бажарадиган ва техникавий хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг манзиллари кабилар.

Лицензия шартномасида товар ишлаб чиқариш муносабатларида тарафларнинг истеъмолчиларнинг товарларини сотиб олиш уларни кўздан кечириш билан боғлиқ маълумотлар акс этган бўлиши талаб этилади. Чунки, лицензия шартномаси асосида ишлаб чиқарилган товарнинг айнан ким томонидан ишлаб чиқарилганлигини истеъмолчи билиши лозим.

Маълумки, товарнинг сифатли бўлиши бу нафақат истеъмочиларнинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, балки давлатнинг ҳам товар бозорида сифатли маҳсулотни таъминлашдаги асосий вазифаларидан биридир. Маълумки, товар бозорида сотилаётган маҳсулотнинг истеъмолчи манфаатларидан келиб чиқиб савдо-сотик қилишга рухсат беришда, унинг заарсизлиги ҳамда уларнинг мол-мулкига шикаст етказмаслиги нуқтаи назаридан доимий назорат “Ўзстандарт” агентлиги томонидан амалга оширилади. Мазкур агентликнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги ва сифати, ўлчовлар ишончсиз натижаларининг салбий оқибатларидан муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши юзасидан истеъмолчилар хукуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳисобланади. Шу билан бирга, агентлик ўз фаолиятини бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари билан тегишли фаолият турларини тартибга солиб боради. Мазкур ҳужжатлардан бири 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Конунидир. Конуннинг 1-моддасига асосан, мазкур қонуннинг асосий мақсадларидан бири:

- маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматларнинг аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига, атроф муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишдан;
- маҳсулотларнинг ўзаро алмашинувчанлигини ва бир-бирига мос келишини таъминлашдан;
- истеъмолчиларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ҳамда сифати тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлашдан иборат эканлиги белгилаб қўйилган.

Лицензия шартномаси асосида товар ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш билан боғлиқ ҳолатларда товарнинг сифатини баҳолаш, яъни унинг ўзаро бир-бирига мос келишини хуқуқий таъминлаш “Ўзстандарт” агентлигининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг ҳам асосий функцияларидан саналади. Лицензия шартномасига қўра товарнинг сифатлилигини таъминлаш билан боғлиқ сўз юритилаётган давлат организининг ҳамда истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан кузатиб борилиши лозим. Бунда асосий эътиборни бозорда лицензия шартномаси асосида ишлаб чиқарилаётган товарнинг сифатини доимий мониторинг қилишга қаратиш лозим. Лекин, мониторинг қилишда у ёки бу тадбиркорлик субъекти фаолиятига рухсатсиз аралашиш мазмунида эмас, балки мустақил кузатувчи сифатида доимий фаолият олиб бориши лозим. Мониторинг ҳар бир худудий бирликдаги мавжуд товар бозорларида доимий фаолият асосида ташкил этилиши назарда тутилади.

Лицензия шартномасига мувофиқ ишлаб чиқарилган товар маҳсулотининг сифатини мониторинг қилиниши орқали истеъмолчининг хуқуқларини ҳимоя қилинади, лицензиарнинг хуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинади, қолаверса шу орқали товар белгисининг ҳам обруси хуқуқий маънода таъминланади. Бунда албатта, лицензиар бозорни мониторинг қилиш ваколатига эга бўлган субъектлар билан доимий ҳамкорлик қилиши талаб этилади. Лекин, ушбу ўзаро ўрнатилган ҳамкорлик лицензиатнинг товар бозоридаги эркин фаолият олиб боришига тўсқинлик қилмаслиги талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳлар: Илмий шарҳлар. Т. 3. / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. –Т.: Baktria press, 2013. – Б. 21.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик хуқуқи (Дарслик) // Муаллифлар жамоаси. – Т.: “Адолат” нашриёти 1999. – Б. 359.
3. Оқюлов О. Интеллектуал мулк хуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари / Масъул муҳаррир: Ҳ.Рахмонқулов. –Т.: ТДЮИ, 2004. – Б. 96.
4. Ариевич Е.А. Лицензионный договор на товарный знак: закон нуждается в изменении // Патенты и лицензии. 1998. № 9. – С. 31.
5. Корчагин А.Д. Перспективы развития российского законодательство о промышленной собственности. – М., 2002. – С. 265-266.
6. Ермакова Е. Необходима ли государственная регистрация лицензионных договоров? // Интеллектуальная собственность. Промышленная собственность. 2001. № 2. – С. 29.
7. Ариевич Е.А. Лицензионный договор на товарный знак: закон нуждается в изменении // Патенты и лицензии. 1998. № 9. – С. 34.

-
8. Шпак Е.С. Передача прав на использование товарных знаков: лицензионный договор // Юристъ. 2004. № 1. – С. 28-29.
 9. Финкельштейн В.Э. «Передача товарных знаков по лицензии» // Патенты и лицензии № 6/90. – С. 26.
 - 10.Добрыден Н.М. Содержание прав на товарный знак в соответствии с Российским законодательством. // дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.03 : Москва, 2000. – С. 111.
 11. Shmidt-Szalewski J., Pieme J. Droit de la propriété industrielle. Paris, 2001. – P. 240.
 - 12.Шпак Е.С. Передача прав на использование товарных знаков: лицензионный договор // Юристъ. 2004. № 1. – С. 28-29.